

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 24 июнь, № 123 (5290)

Жума

МУСТАҚИЛЛИК — БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22-23 июнь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи кунини Қарши туманидаги "Рамз Норов" фермер хўжалиги далаларига ташриф буюрди. Вилоят миришкорлари 145 минг гектар майдонда етиштирилган галла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиштириб олиш чораларини кўрмоқда. Айни пайтда 160 минг гектардан зиёд ерда парваршиланаётган гўза қатор ораларига агротехник талаблар асосида ишлов бериш, нам сақлаш технологияларидан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 июнда қабул қилинган "Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва 2011 йил июнь-сентябрь ойларида суғорма сувни тежашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятда сув ресурсларидан оқилона

фойдаланиш, сув истеъмоли ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "Рамз Норов" фермер хўжалигига қарашли 13 гектар ерда галланинг "Сиянка", 83 гектар майдонда гўзанинг "Бухоро-102" нави парваршиланмоқда. Ушбу нави парваршиланмоқда. Ушбу нави парваршиланмоқда. Ушбу нави парваршиланмоқда.

тор Қобил Латипов Германия билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган ушбу комбайннинг афзалликлари — иш унумдорлиги, ҳосилни нобуд қилмаслиги, сомонни сочиб ташламаслиги ва бошқа қулайликлари ҳақида гапирди. Комбайнчилар орасида ёшлар кўпчилиги эътиборни тортиди. Президентимиз бугунги ёшлар, уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳақида гапирар экан, касб-хунара коллежларида ўқув ва амалиёт тизимини янада такомиллаштириш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш, коллежларда тахсил олаётган ёшлар замонавий фанларни, жумладан, ахборот технологияларини, хорижий тилларни пухта ўрганиши лозимлигини таъкидлади.

билан танишди. Хўжалик дала шийпониди фермерлар, вилоят фаоллари, ёшлар билан суҳбатлашди. Ислам Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар наинки иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини таъкидлади. — Фермер хўжалигимизда 100 киши меҳнат қилади, — деди "Бахт" фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холиёров. — "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг вилоят филиалидан 160 минг АҚШ доллари миқдориди кредит олиб, сутни қайта ишлаш технологиясини харид қилдик. Унинг ишга туширилиши фаолиятимизнинг янги йўналишига асос бўлди. Ушбу ускуна бир кунда 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. 520 бош қорамолимиз бор. Қатиқ, қаймоқ, пишлоқ сингари маҳсулотларимиз туман марказидаги махсус дўконларда сотилмоқда.

Президентимиз суҳбат асосида одамларнинг онгу тафаккуридаги, турмушидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратди. Ижтимоий-маънавий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самараларига тўхталди. Фарзанд тарбияси, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳақида сўз юритди.

— Энг илғор фан ютуқлари, замонавий технологиялар, ёшларимизнинг юксак интеллектуал салоҳияти мамлакатимиз буюк келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, — деди Ўртбошимиз. — Ёшларимиз замонавий билим ва касб-хунараларни эгаллаши, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллаша олишлари лозим. Чунки бизнинг ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайдими ҳам.

Энг улғу, энг азиз байрагимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаётган халқимиз амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ишлари, онгу шууримиздаги ўзгаришлар, турмушимиздаги фазилатлар — буларнинг барчаси истиқлол тўғрисида эканини теран англайди. Қашқадарё вилоятида давом этаётган улкан бунёдкорлик ва янгиланишлар жараёни ҳам бунинг амалдаги ифодасидир.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Феруз ХОЛИМИРЗАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.
Сарвар ҲОМИЛОВ
олган сурат.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

Ҳар бир давлат, миллатнинг тарихида унинг тараққиётида муҳим из қолдирадиган воқеалар содир бўлиб туради. Президентимиз Ислам Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлатимиз ривожда айнан шундай янги, ўта муҳим босқич бошланганидан далолат берувчи ҳодиса бўлди.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Унда катта интеллектуал, илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган таклифлар илгари сурилди. Ушбу маъруза истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда янги йўлда қандай амалий чора-тадбирлар кўрилгани, бу серқирра жараёнинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллари, ҳар бир тараққиёт босқичининг ўзига хос хусусиятлари — буларнинг барчасини ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб беришга қаратилган илмий хулоса ҳамда таҳлиллар бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини яна бир қарра тасдиқлади.

Муҳим вазифага айланди. Ўтган даврда босиб ўтилган тараққиёт йўлининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини таҳлил қилиш, аввало, мустақилликнинг шукронаси ва унинг қадрига етиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислохотлар ҳамда ўзгаришлар жараёнини сарҳисоб этиш, қолаверса, бу борадаги долзарб ва масъулиятли вазифаларимизни янада чуқурроқ англаб олишга имкон беради. Маълумки, давлат тизимини ислох қилишнинг асосий мезонини "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" стратегияси ташкил қилади. Мазкур тамойил асосида ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида иккунчи даражадаги фуқаролик жамиятини қуришнинг кафолатларидан биридир.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари ТАШКИЛОТЧИЛИК, ТАШАБУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК

Жойларда бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ушбу мезонларга алоҳида эътибор қаратилди.

Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳаллаларнинг ҳаётимизда туғган ўрни тобора ортиб бормоқда. Улар ҳозир демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариш, уларнинг фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шариот яратмоқда ва жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Бунинг шу кунларда ўзининг хал қилувчи палласига етиб келган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Тайёргарлик жараёнида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан кўмаклашувчи комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун барча қулайликлар яратиб берилди. Ўтган даврда улар сайловчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, демократия, очкилик ва ошқоралик тамойилларига қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширди. Айни пайтда сайловни ташкил қилишда асосий бўлган ҳисобланган ишчи гуруҳлар фаолияти ушбу ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан қонунийлик, очкилик ва ошқоралик тамойилларини асосида ўтказилди. Бунинг учун пухта ҳозирлик кўрилганлигини айтиб ўтиш за-

(Давоми 2-бетда).



Миллий иқтисодийётни қарор топтиришга хизмат қилувчи устувор йўналишлар Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, асослаб берилди. Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар жадал ривожланиш имконини берди. Собқ иттифок таркибида аграр давлат сифатида тавсифлаб келинган Ўзбекистон қисқа муддат ичида индустриал жихатдан ривожланган ва турли-туман товарлар экспорт қилувчи мамлакатга айланди. Ҳақиқатан ҳам, республикамизнинг бундан 20 йил олдинги иқтисодий тизими ва даражасига бир назар ташлайдиган бўлсак, бутунлай бошқа бир манзара кўз олдимизда намойён бўлади.

Донлардан бири: "Кимнингки мақсади ноаниқ бўлса, йўлини топа олмайди", деган экан. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, дастлабки қадамларини олий мақсад — овоз ва обод Ватан қуриш учун ривожланиш йўлини белгилашдан бошлади. Бунда асосий эътибор республика манфаатлари, шарт-шароитлари ва хусусиятларига юқори даражада жавоб бера оладиган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилди.

ЎЗБЕК МОДЕЛИ

барқарор тараққиёт, фаровон ҳаётимиз ва ёрқин келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворидир 1991 йилда иқтисодийётнинг хом ашёга йўналтирилганлик ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскирганлик даражалари жуда юқори эди. Ўзбекистон узок йиллар мобайнида амалда арзон ва юқори сифатли минерал ҳамда қишлоқ хўжалиги хом ашёси таъминотини бўлиб келди. Мамлакатимиз нафақат жижозлар, технологиялар ва жуда кўп турдаги хом ашёлари, балки биринчи даражали аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари — галла, гўшт, шакар, туз ва ҳоказоларни, шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлган жуда кенг турдаги халқ истеъмоли молларини ҳам четдан келтиришга мажбур эди. Кўплаб тармоқларда туғалланмаган циклга эга ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар атайин хом ашёларни қишлоб олиш ва дастлабки ишлаб бериш, яримфабрикатлар тайёрлаш босқичида тўхтаб қолар эди. Табиийки, бундай шароитда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг иложи йўқ эди. Шу боисдан ҳам санаот бўйича асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши 1991 йилга келиб 40 фоиздан ошганди. Мамлакатда, асосан, 90-йиллардан бошлаб глобал дастурлар — макроекономик ва молиявий барқарорлаштириш, иқтисодиётда институционал ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ишлари бошланди. Маълумки, иқтисодий ислохотларни рўйбга чиқаришнинг энг муҳим асосларидан бири

нодавлат тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўзбекистонда кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни муайян мақсадлар — демократик ўзгаришлар, кучли

Автомобилсозлик саноати салоҳияти

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб узокни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар самараси бугун барча соҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятларда яққол кўзга ташланмоқда. Анжуман Жумладан, ўтган вақт мобайнида автомобилсозлик саноатида қаратилган эътибор тўғрисида мазкур соҳа жадал ривожланиб, Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича дунёнинг саноқли давлатларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳар биримизнинг кўнглимизда чексиз гурур ва фахр уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Хушхабар

Ўсмирларимизнинг ишончли галабаси

Мексикада 17 ёшга бўлган ўсмирлар ўртасида давом этаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг "D" гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси навбатдаги тур учрашувида АҚШ футболчиларига қарши майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида муҳим галабага эришди. Рақиб дарвозасига голларни терма жамоасининг сардори Аббос Махсумов ва энг ёш футболчиси — 15 ёшли Бобур Давлатов киритди. Муҳим жиҳати, ушбу зафар Ўзбекистонлик футболчиларнинг жаҳон чемпионатлари финал қисмидаги биринчи галабаси сифатида тарих саҳифаларидан жой оладиган бўлди. Гуруҳдаги иккинчи учрашуда Чехия футболчилари Янги Зеландия ўсмирлар терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи тур учрашувларидан сўнг гуруҳдаги тўрт жамоа ҳам учтадан очко жамғарди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳдаги сўнгги учрашувини Тошкент вақти билан 26 июнь кунини соат 04:00 да Чехия футболчиларига қарши ўтказди. Норбек НИЁЗОВ.



Сурхондарё вилояти ҳудудида 20 га яқин гор бор. Уларнинг ҳар қайсиси ўзининг табиати ва антиқа хусусиятлари билан одамларнинг диққатини жалб этиб келади.

ҚОРОНҒИ ГОРЛАР ЁҒДУСИ

Одамзоднинг ilk бошпаси гор бўлган. Чамаси, горнинг тузилишига қараб у қапа-ўтов тиқилиш, тош ва лойдан девор тиклаб уй қуришни ўрганган. Бу фикримизга Бойсун туманининг Завтолошой дарасидаги Тешиктош ёри мисол бўла олади. Эни 20, узунлиги 21 метр, баландлиги уч қулоч келадиган мазкур горни бир хонали баҳаю уй, дейсиз. Шифтида туйнуғи — деразасиям бор.

дарёси, деб ҳам атайдилар. Бу фикр қайсидир маънода ҳақиқатга яқин. Фор ичига қирган бир гуруҳ таджикчилар ва шовуллаб оқаётган дарё оқимини эшитганлар унинг суви қатта ер ости дарёсининг ирмоғи бўлиши керак, деган тахминга келишган.

Бойсуннинг Сарийосиё кишлоғи яқинидаги Дўлтахона горига кириб борганингиз сари силри мука оханларини эшитгандай бўлаверасиз. Горнинг унча баланд бўлмаган томидан томчилаб турган сувдан қўлмак ҳосил бўлган. Томчи қўлмакка тушиб, ажойиб овоз чикаради. Шу тобда унинг акс садоси атрофга таралади. Оғир ва бошиқ сас сиз шу пайтгача эшитмаган мукага айланади. Одамларнинг шивиридан безовта бўлган кўршапалакларнинг учишидан ҳосил бўлган овозлар унга жўр бўлиб, алақандай бир маҳабатли оханлар ҳосил қилади. Шу жиҳатини олганда, Дўлтахона горини мукага эҳромига ўхшатиш мумкин.

Дарҳақиқат, горлар — табиатнинг эҳромлари. Неча минг асрлик замонлар, тамаддулар таъсиридан ўзини дахлсиз, омон сақлаб келатган қошоналар. Одамларга уй-қўналга, тирикчиликка ризқ-насиба, или аҳлига битмас-туганмас манба бўлаётган ҳазина. Она тупроғимизнинг гавҳар гўшлари. Шу боисданми, горларнинг тим қоронғи тубларидан бизга кўп синопалардан сақиб берувчи нур, ёғду таралиб тургандек бўлаверади.

Олижон **УСАНОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

Шифобахш неъматлар

Ўзгача таъмга эга бўлган кўксултон мевалар орасида шифобахшлиги билан ажралиб туради. Раъноғулдошлар оиласига кирувчи ушбу дархат меваси таркибиде қанд, органик кислоталар, фаол катехинлар, пектин, оксил моддалари билан бир қаторда, С ва А витаминлари ҳам мавжуд.

Кўксултон ҳосияти

Шунингдек, кўксултоннинг пишган меваси қабзият билан оғриган беморларга ички маромлаштирувчи восита сифатида таъсия этилади. Кўксултон таркибиде калий, темир, марганец, мис ва кобальт моддалари организмдаги туз ва сув муаносиблигини сақлайди. Мева таркибидеги пектин моддаси ичакдаги бичғиш жараёнида пайдо бўлувчи зарарли омилларга чек қўяди. Ғура кўксултон кишининг кайфиятини кўтариб, овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини яхшилаиди.

Дона **ХҲАЕВА**, олий тонфали дорихуносо.

Хоразм воҳасидаги тўқайзорлар азалдан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бойлиги билан ажралиб туради. Улар, асосан, Амударё қовиб кетган жойларда юзага келган.

Бугунги кунда ушбу воҳада ёввойи ўсимликларнинг 600 дан ортиқ тури ўсади. Шундан 250 га яқини қумли ҳудудларга ҳосилги, 200 дан зиёди эса дориворлиги билан қимматлидир.

Бирок Амударё суви камайиши оқибатида Гурлан, Янгибозор, Хонқа туманларидаги юзлаб гектар тўқайлар йўқолиб кетди. Бу, ўз навбатида, шўрхок ерлар пайдо бўлишига, ўсимлик турлари камайиб кетишига олиб келди. Улар орасида доривор ўсимликлардан бири — ширинмия ҳам бор.

Ширинмияга маҳаллий аҳоли орасида буюн, илмий адабиётларда эса «иккинчи женьшень» деган таъриф берилди. Буюн олим ва табиб Абу Али ибн Сино ширинмиядан жароҳатларни даво-

ШИРИНМИЯ

Фойдалилиги жиҳатидан женьшеньдан қолишмайди

лашда, буйрак, қовуқ, меъда, ўпка хасталиклари муолажасида фойдаланган. Халқ табибатида унинг илдизидан тайёрланган шарбат ва кунлар терлатувчи, енгил сурғи, нафас йўллари шамоллаши билан боғлиқ касалликларда балғам кўчирувчи, нафас қисшини енгиллатувчи восита сифатида қўлланилган.

Хозирги кунда тиббиётда ширинмиядан тайёрланган дорилар бод, тери ва кўз касалликларини даволашда ишлатилади. Озиқ-овқат санаотида эса ундан маҳсулотларга хуштаъм бериш учун фойдаланилади.

Ширинмия кўп йиллик ўсимлик бўлиб, апрель-май ойларида гуллаиди, меваси

лашда, буйрак, қовуқ, меъда, ўпка хасталиклари муолажасида фойдаланган. Халқ табибатида унинг илдизидан тайёрланган шарбат ва кунлар терлатувчи, енгил сурғи, нафас йўллари шамоллаши билан боғлиқ касалликларда балғам кўчирувчи, нафас қисшини енгиллатувчи восита сифатида қўлланилган.

Хозирги кунда тиббиётда ширинмиядан тайёрланган дорилар бод, тери ва кўз касалликларини даволашда ишлатилади. Озиқ-овқат санаотида эса ундан маҳсулотларга хуштаъм бериш учун фойдаланилади.

зи олимларининг Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти, Биологик усулда тупроқ шўрланишига қарши кураш халқаро маркази каби нуфузли муассасалар мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари ширинмия тупроқ таркибини яхшилашда ҳам самара беришини кўрсатди. Демак, воҳада ширинмияни етиштириш ҳар томонлама фойдалидир. У тиббиёт, озиқ-овқат санаотини қимматли хом ашё билан таъминлаш, тупроқнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ернинг умумдорлигини ошириш баробарида, мамлакатимизда экологик барқарорлиқни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Иқром **АБДУЛЛАЕВ**, биология фанлари номзоди, доцент.

Янгилик

Бухоро давлат баддий-меъморчилик музей-қўриқхонасининг табиат бўлими янги экспозиция билан бойга, бу ерга таширф буюрувчилар, айниқса, ўқувчи-ёшлар оқими кўпайди. Музей-қўриқхона бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Карим Рустамов бунга экспозициянинг ўзига ҳослиги билан изоҳлади.

МУЗЕЙНИНГ ЭКОЛОГИЯ ДАРСХОНАСИ

— Воҳамиз табиати ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига ниҳоятда бой, — дейди у. — Масалан, вилоят қўрлариде 55 оилага мансуб 580 турдаги ўсимликлар учрайди. Қандим, саксувал, шувок, қаррак каби ўсимликларнинг табиатда ўз ўрни бор. Биз масаланинг экологик тарбия нуқтаи назаридан муҳимлигини ҳисобга олиб, бешта мавзуну қамраган экспозицияни ташкил этганмиз.

Дарҳақиқат, экспозиция билан таншар экансиз, ўзингизни беҳтёр она-табиат қўйнида юргандек ҳис этасиз. 400 дан зиёд турдаги умуртқали ҳайвонлар, амфибиялар, судралиб юрувчиларнинг дашт ағамаси, эчкимар, қум бўғма илои каби турлари тасвири ди-зайнер-рассомлар томонидан гоят нозик дид билан тайёрланган. Ойнаванд намойиш бурчақларида бутун бошлиқ жонли табиат манзаралари кўз олдимизда гавдаланади. Бу ерда «Жайрон» экологик маркази, «Вардонзе» давлат табиат ёдроглиги, Денгизқўл, Қорақир буюртма қўриқхоналари фаолияти билан боғлиқ фотосуратлар, ноёб топилмаларга ҳам кенг ўрин берилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, музейде «Сахро кемалари», «Етти мамлакат — битта денгиз», «Ёмғир қувалчангига зиён етказманг», «Қўлар яшаш керак» каби мавзуларда илмий-оммабоп фильмлар намойиши ҳам йўлга қўйилган. Зеро, воҳа наботот оламини ўрганиш, бетакрор табиатини кўз қорачиғидек асраш ва уни келгуси авлодга зиён-захматсиз етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Истам **ИБРОҲИМОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.



нинг тумшугини бўшатиб юборди. Анюй рақиб майсазорга йилқилани захоти, йиртқичлар бараварига унинг бўғизига ташланди... Бўриларнинг бў ҳийласи Худойберди овчининг газабини кўзиде ва улар изига олтига қопқон қўйиб чикди. Шундан сўнг қузатишлар давом этди. Ниҳоят, бир ҳафта деганда қашқирларнинг угтаси оёидан илиниб қолди.

Ҳамдам **ЭШОНҚҮЛОВ**.



ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ

Дашнобод анори

У хуштаъмлиги ва бетакрорлиги билан доврүк қозонган.



Мамлакатимиз боғдорчилиги, хусусан, анор ҳақида гап кетганда, албатта, Сарийосиё туманидаги Дашнобод кишлоғи тилга олинади. Сабаби, бу ерда етиштириладиган шифобахш неъматнинг доврүги бир пайтлар, ҳатто, чет давлатларга ҳам етган эди. Муस्ताқилликка эришганимиздан сўнг боғдорчилик йўналишини ривожлантириш, Дашнобод анорларининг шуҳратини қайта тиклаш мақсадида мажбур анорзорлар фермерлар ихтиёрига берилгани айни мудоао бўлди.

фермер хўжалиги раҳбари Хотам Холов. — Кишлоқдошларимиз чиндан ҳам анор етиштиришнинг ҳадисини олишган. Шунинг учун ҳовлисида анор дарахти бўлмаган хонадоннинг ўзи йўқ. Таркибида учта маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд кишлоғимиз аҳолисининг турмуши салкам 700 гектар майдондаги анорзорлар соҳавати тўрайли фаровон. Бугунги кунга келиб, боғнинг ортидан ҳар икки оиланинг бири енгил автомашинали бўлди. Чиройли, замонавий ва шинам уйлар қуриб, тўйлар қилаётганлар қанча.

Кишлоқ аҳли 2010 йилда янги боғлардан илк ҳосилни ўзиб олишганди. Фермерлар бу йил ундан юқори ҳосилни мўлжаллаб туршибди. Уларнинг шижоат билан қилаётган меҳнатини кузатиб, ор учун курашга отилиб чиққан полвонга ўхшатасан, азаматларини. Чиндан ҳам шундай. Ўтган йиллар давомиде дашнободликларни табиат икки марта қаттиқ синовдан ўтказди: 2005 йилнинг қишида анорзорларни ёлғизликда қолдириб қўйди. Ана шу кезларда Президентимизнинг ғамхўрликларини янада чуқурроқ ҳис этиб, аҳоли манфаатлари юксак кўтарилган юрда яшаётганимизга шўкроналар айтдик, — дейди «Меҳрождин» фермер хўжалиги раҳбари Абдор Ҳайдаров. — Давлатимиз раҳбарининг бекиёс мадади билан табиат қийинчиликларини олдида номлож бўлиб қолмадик. Фермер хўжаликлари беш йил да-

вомида ер ва бошқа солиқ тўловларидан озод қилинди. Уша йиллари анорзорларга маҳаллий ва минерал ўғитлар солиб, парваришладик. Қатор оралирига ем-хашак учун экинлар экиб, қорва боқдик. Ўтган йилнинг қузида боғларимизга фазиз қилиб, дастлабки ҳосил олинди. Яратганга шўкр, бошланғичи чакки эмас. Бу йил, насиб бўлса, гектаридан 10 тоннагача анор оламиз. Харидорлар хозирданқ аноримизга бўнақ пули бериб кетишмоқда.

Боғларимизга, асосан, анорнинг «Кўканор» нави экилган. Бу нав жуда серҳосил бўлиб, меваси худди оловдай қип-қизил ёниб туради, мазасига эса таъриф йўқ. Дарахтлар май ойидаги гулини тўкмай тугиб қолса, қузда меванинг ҳар қайсиси бир, бир ярим кило тош босади. Аслида, маромида парваришланиб, вақтида сурғорилган анор дарахти гулини камдан-кам ҳолларда тўкади.

Анорзорлар орасидан доим шамол эсиб туриши лозим. Ана шунда меваси чиройли, таъми асалдай ширин бўлади. Шу билан бирга, ҳосилга кирган анорзорларнинг қатор орасига оралик экин эккан бозор йўтқазида. Қатор оралари тез-тез юмшатилиб турилса, зараркунандалар ҳам яқин йўлмайди.

Таърибали боғбонларнинг фикрича, анор беш йилда тўлиқ ҳосилга кирди. Шу ҳисобда дашнободлик боғбонлар мамлакатимиз бозорларида ширин-шакар меваларни қикариб, Дашнобод анорининг доврүгини яна тиклайдилар.

Нормурод **ТЕМИРОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.



Маълумки, ҳашаротлар энг майда жонзотлар сирасига кирди. Шундай бўлса-да, уларнинг тезкорлиги буйича натижалари ёмон эмас. Масалан, ниначи соатига 30 км. тезликка ўча олиши аниқланган. Ерда юрадиган ҳашаротлар орасида энг чаққони ҳисобланган чигиртка эса соатига 13-16 км. тезликка ҳаракатлана олади.

Сиз автомобиллар ўртасидаги пойма, инсонларнинг югуриш мусобақаларига кўп бор гувоҳ бўлгансиз, албатта. Аммо ҳайвонот оламида қайси жонивор энг тезкор эканлигига қизиқиб кўрганмисиз?

Бундан ташқари, судралиб юрувчилар оиласига мансуб қора мамба илонининг тезлиги соатига 15-20 км.гача етиши аниқланган бўлса, сут эмизувчилар ичида гепард энг чопагон бўлиб, у 110 км. тезликка бир неча сонияда эриша олиши қузатилган.

Шоҳруҳмиро **ОДИЛБЕКОВ** тайёрлади.

ҚАШҚИРЛАР НАЙРАНГИ

Айни кўклам чоғи эди. Баҳор серёгин келгани учун қиру адирларни ям-яшил майса қоплаб, тоғларни ҳам бўлиқ равоч қоплаган. Бундай вақтда сурувни чўпонсиз қолдириб бўлмайди. Унгирилларда бўрилар галаси пайт пойлаб юради. Шунинг учун сурув бошини тоғ томонга қайтардим. Қўй түёғига қараб, аста-секин анча тепаликка чикдим.



Пастлиқда сойдаги булоқдан сув ичган ўттиз беш-қирқ чоғли от тойлари билан кенглиқда тўпланиб тургани эътиборимни

тортди. Шу маҳал харсанглар орабала олтига бўри гоҳ думалаб, гоҳ умбалоқ отиб йилқиларга яқинлашди. Отлар қулқолларини диккайтириб, қўзлари касосидан чикқудек бўлиб, бир-бирига тикилади. Тойчолларнинг бадани дир-дир титраб, кишнаб-кишнаб қўяди. Улар қашқирларнинг ўйинига ҳайрат билан қараб қолишганди.

Бўрилар йилқиларини чўчитмаслик учун бир-бирининг ус-тудан сакраб-сакраб тойларга яқинлашди. Сўнгра олдиндаги

си ҳийласини тўхтатиб, той томон тумшугини чўзиб, секин-секин юриб келди. Той ҳам унга томон тумшугини чўзди. Маккор бўри нафаси той нафасига қўшилди ва қутилган ҳолат юз берди: бўри тўсатдан той тумшугидан тишлаб, куч билан ўз томонига тортди. Шу пайт бошқа қашқирлар ҳам тик туриб атрофни ўраб олишди. Той билан бўри кураши бир неча дақиқа давом этди. Ерининг дупури чикди. Бўри қутилмаганда ўзини орқага ташлаётган той-

бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзга-риб туради, ёнгарчилик қутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ёнгарчилик қузатилмайди. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛМАЗЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — О. Файзиев. Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.58 Топширилди — 00.55

ISSN 2010-4768
9772010678009